



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 5 (7)
2026**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2026

MUNDARIJA

Minojiddinov A.A. Meva-sabzavot tarmog‘i korxonalarini boshqarishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarni takomillashtirish yo‘llari	8
Mirzayev A.T., Dilnozaxon M. O‘zbekistonda turizm marketingi samaradorligini baholash va uni takomillashtirishning integratsiyalashgan mexanizmi.....	12
Shavkatov A.Sh. O‘zbekistonda kichik biznes rivojlanishining institutsional va makroiqtisodiy asoslari.....	16
Махаммаджанов М.М. Инновационная трансформация банковского сектора Узбекистана: общесистемные тенденции и финансовые результаты.....	20
Sativaldiyeva G.X. IFRS 16 “Ijara” xalqaro standartiga muvofiq ijara hisobidagi o‘zgarishlar.....	24
Ismailov X.M. Aloqa korxonalari moliyaviy barqarorligini ta‘minlash metodologiyasini takomillashtirish masalalari.....	28
Yusubov I.I. Mintaqada iqtisodiyotni barqarorlashtirishda raqamli xizmatlarning rivojlanishi.....	32
Saidaxmedov N.X. Paxta-to‘qimachilik klasterlari faoiyatini shakllanishi va rivojlanishining zamonaviy nazariyalari.....	35
Istamqulov D.Q., Danyarova F.B. Milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni takomillashtirish yo‘llari.....	40
Aipova I.I. Resurs samaradorligini baholashning nazariy usullari va ko‘rsatkichlari.....	43
Mirzaraximova A.A. Tijorat banklari tomonidan aloqa sohasini moliyalashtirish samaradorligini oshirish yo‘llari.....	49
Xalmirzaev A.A. Yer va suv resurslaridan samarali foydalanishda hududiy ixtisoslashuvning ahamiyati va iqtisodiy samaradorligi.....	53
Sidikov Z.A. Sirdaryo viloyatida sanoatlashtirish jarayonining hududiy ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta‘siri.....	59
Usmanova N.Y. Raqamli iqtisodiyotda menejment qarorlarini qabul qilishda innovatsion texnologiyalarning roli.....	63
Ergashev R.X., Rajabaliyeva I.A. Transport-logistika infratuzilmasini raqamli texnologiyalar asosida rivojlantirish va uning samaradorligini oshirish.....	67
Raximova D.S. Barqaror restoran amaliyotlari: oziq-ovqat chiqindilarini kamaytirish va qayta ishlashning innovatsion yondashuvlari.....	70
Narzullayeva X.A. Investitsiya muhiti jozibadorligini oshirishning xalqaro tajribalari.....	76
Muxitdinov Sh.Z. Kichik agrobiznes subyektlarida mahsulotlar eksportini rivojlantirishga ta‘sir etuvchi omillar.....	84
No‘monov O.O‘. Agrotadbirkorlik subyektlarining eksport salohiyatiga ta‘sir etuvchi makroiqtisodiy va mikroiqtisodiy omillarni kompleks baholash.....	88
Yeshimbetov U.X. O‘zbekistonda qishloq xo‘jaligini barqaror rivojlantirishda tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish.....	92
Raximova K.N. Tadbirkorlik sharoitida yashil biznesni tashkil etish va rivojlantirishining o‘ziga xos xususiyatlari	97
Хошимов П.З., Тўрахожайев Х.Х. Ислоний банкларнинг ишлаш таомойиллари ва ислон молия тизимининг Ўзбекистон иқтисодиётига таатбири.....	100
Sattarov R.A. An integrated methodological framework for evaluating and forecasting interregional economic cooperation: an input-output approach (evidence from Uzbekistan).....	107
Farmanov J.Z. Mintaqada asalarichilik ekotizimining tamoyillari va ekologik-geografik xususiyatlarini takomillashtirish	111
Qurbonov A.B. Janubiy iqtisodiy rayonda qishloq xo‘jaligi orxonlarining tarkibiy o‘zgarishi va agrar kooperatsiyani rivojlantirish yo‘nalishlari.....	114
Тоштемиров Т.Т. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтиришда солик механизмларида фойдаланиш масалалари.....	119
Arziyev M.A. O‘zbekiston iqtisodiyotini transformatsiyalash sharoitida oilaviy tadbirkorlikni rivjlanitirishning ustuvor yo‘nalishlari.....	122
Maxkamova S.Sh. Ekologik innovatsiyalar orqali yerlarni oqilona boshqarishning tashkiliy va iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish.....	127
Olimova N.X. Yashil moliyalashtirishning rivojlanish tendensiyalari hamda hozirgi amaliyoti: milliy kontekst	137
Zaylobitdinova H.X. Davlat oliy ta‘lim muassasalarining tijorat faoliyatini samarali boshqarish strategiyalari.....	141
Komilov A.I. Evolution of the catering industry in the context of digital technologies.....	145

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

Sotvoldiyev N.N. Mamlakatimizda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda mehnat bozoriga ta'sir etuvchi omillar.....	149
O'rinov A.A. Sanoat tarmoqlarining investitsion imkoniyatlarini barqarorlik indikatorlari asosida boshqarish mexanizmlari.....	154
Ahmadaliyeva R.A. O'zbekistonda xufyona iqtisodiyotga qarshi kurashish samaradorligi.....	158
Uzganbayeva D.T., Alimova Sh.F. The role of investment strategies in transforming small business entities into large corporate structures.....	162
Goziyev M.Sh., Abdufattoyeva M. Sun'iy intellekt asosida iqtisodiy qarorlar qabul qilish samaradorligini oshirish.....	167
Qobilov H., Uzganbayeva D.T. O'zbekiston iqtisodiyotida xususiy tadbirkorlikning ro'li: so'nggi yillardagi islohotlar sharoitida iqtisodiy o'sish va bandlikka qo'shayotgan hissi.....	170
Sotiboldiyeva R., Uzganbayeva D.T. O'zbekistonda xotin-qizlar tadbirkorligini rivojlantirishda moliyaviy qo'llab-quvvatlash mexanizmlarining ahamiyati.....	174
Маматкулов З.Ш. Хизмат кўрсатиш фаолиятининг шакллантириш ва бошқаришда хориж тажрибаларидан самарали фойдаланишнинг инновацион йўналишлари.....	179
Shamsiddinov P., Uzganbayeva D.T. Iqtisodiyotning raqamlashtirishning afzaliklari va uning oqibatlari.....	185
Qosimov A.S. Jizzax viloyati mahallalarining qayta nomlanishi va demografik jarayonlar va iqtisodiy samaradorlik ko'rsatkichlari.....	189
Qodirov A., Tulaganov E.J., Berdimurodov U.S. Inson kapitalini kapitalizatsiya qilish va samaradorligini oshirish.....	192
Saidkarimova M.I., Sobirov O.A. Sanoat korxonalarining raqobatbardoshligini oshirish yo'llari.....	199
Saidova M.J. Sanoat transformatsiyasi sharoitida kichik biznes va tadbirkorlikning o'rni (Andijon viloyati misolida)	203
Юсупов А.С., Пардаев Х.Ф. Динамическое управление международным портфелем акций: механизмы ребалансировки и преимущества глобальной диверсификации в условиях волатильности валютных рынков.....	206
Burxonov J.X., Soliyev I.I. Mehnat bozorini tartibga solishda innovatsion yondashuvlarning xorij tajribasi tahlili.....	213
Xaitbaev J.O. Mintaqa iqtisodiyotini barqarorligini ta'minlashda suv resurslaridan foydalanishning ko'p omilli ekonometrik modellari.....	217
Saidov U.S. Kichik tadbirkorlik subyektlarida ekologik innovatsiyalarni rag'batlantirishning moliyaviy yo'nalishlari.....	221
Nurmaxanmadov N.B. Iqtisodiyotning ekologiyaga ta'sir moyilligining oshib borishi muammosi.....	224
Xudayberdiyev K. Davlat xaridlarida elektron platformalar faoliyatini optimallashtirishda sun'iy intellektga asoslangan moderatsiya mexanizmlarining roli.....	230
Xolxo'jayev E.G'. Davlat xaridini tashkil etishda elektron savdolardan foydalanish samaradorligi hamda imkoniyatlari tahlili.	234
Rustamova F.A. Qishloq joylarda tadbirkorlik subyektlarining iqtisodiy samaradorligini baholash va uni oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlari.....	238
Ikromov A. Iqtisodiy jarayonlarni ekonometrik modellashtirishda integro-differensial tenglamalarning o'rni va ularni tadqiq etish.....	241
Sarimsakov B.R., Usmonov J.Q. Xorijiy mamlakatlarda inson kapitalidan qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishida samarali foydalanish tajribalari.....	245
Maraimov I.R. O'zbekistonda kambag'allikni kamaytirish va aholi turmush farovonligini oshirish.....	251
Yusupov Sh.B. Xorazm viloyatida sanoat korxonalarining iqtisodiy samaradorligini baholash va oshirish yo'llari: 2020–2025 yillar tahlili va 2030 yilga prognoz.....	256
Chintemirova D.Sh. Hududlar kesimida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatining rivojlanish tendensiyalari.....	260
Xusanova Z.R. Ayollar tadbirkorligini rivojlantirishning samaradorlik ko'rsatkichlari va unga ta'sir ko'rsatuvchi omillar.....	265
Tajiboyev S.O., Gulimboyev S.I. Moliyaviy siyosatning investitsiya muhitiga ta'siri.....	270
Tajiboyev S.O. G'aznachilikda to'lovlarni amalga oshirish.....	275
Xaydarov M., Baxtiyorov I. Innovatsion iqtisodiyot g'oyalari va ularni oliy ta'lim tizimi orqali qo'llashning nazariy asoslari.....	279
Ким Т.В., «Зарубежный опыт развития циркулярной экономики и её роль в формировании ресурсосберегающей модели экономического развития».....	286

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2026 yil

Saydullayeva R.U. Analysis of financial efficiency and profitability in the green economy: the role of IAS and IFRS standards.....	292
Galatov A.A., Karimova G.A. O‘zbekistonda Islomiy moliyaviy xizmatlar ko‘rsatuvchi nobank tashkilotlar faoliyati va strategik boshqaruv tizimining tahlili.....	296
Tursunov F.U. Oliy ta‘lim sifati monitoringini takomillashtirish mexanizmlarini rivojlantirishning zamonaviy yondashuvlari... ..	300
Yakhshiboev R.E. Retrieval-augmented generative AI for smart learning content.....	303
Ergashev S.A. Sanoat korxonalarini barqaror rivojlantirish mexanizmlarini takomillashtirish: ilmiy-nazariy va amaliy asoslar.....	307
Абдуллаева Р.Ғ., Тажибаева Н.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг устувор йўналишлари ва ривожланиш истиқболлари.....	311
Sayfullayev J. Why organizations struggle to implement green management practices: key barriers and practical solutions.....	316
Sirojiddinov K.I. Korxonaning raqobatbardoshligini baholash usullari.....	319
Ibraximov X.S. Mintaqalarda tadbirkorlik muhitini shakllantirishda kichik biznesni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning o‘rni va mexanizmlari.....	324
Tajibayev K.Q. Farg‘ona vodiysida kichik biznes sub‘ektlari raqobatbardoshligini oshirishning metodologik asoslari.....	328
Abdulxakimov Z.T. Barqaror rivojlanish evolyusiyasi va tarkibiy qismlari masalalari.....	332
Pazilidinov M.M. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni rivojlantirishda xorijiy mamlakatlarning raqamlashtirish tajribasi.....	337
Жураева М.З., Ахмедов Р.М. Экосистема применения системного подхода в менеджменте транспортной инфраструктуры.....	341
Ахмедов Р.М. Основные требования к разработке системного подхода в менеджменте дорожного хозяйства Республики Узбекистан.....	348
Mamasiddiqova F.X. Qishloq xo‘jaligida mahallalar ixtisosligi: nazariy asoslar, regional tahlil va rivojlantirish istiqbollari.....	353
To‘rayev A.A. Mehnat bozorini texnologik transformatsiyalash sharoitida ishchi kuchi raqobatbardoshligini oshirish mexanizmlari.	358
Солиев И.И. Концептуальные основы институциональной автономии вузов в условиях модернизации системы образования Узбекистана.....	362
Xasanov S.Q. Sanoat korxonalarini rivojlantirishda modernizatsiya va klaster yondashuvining o‘rni.....	365
Murodov A. Aholining real pul daromadlarini va xarid qobiliyatini oshirishning nazariy asoslari.....	369
Карабаев Р.З. Искусственный интеллект в цифровой экономике Узбекистана.....	374
Rasulova Sh.A. Bozor iqtisodiyotida monopoliyaning mohiyati, shakllari va uning O‘zbekiston iqtisodiyotiga ta‘siri.....	378
Salimov A.F., Rasulova Sh.A. Bozor muvozanati va unga ta‘sir ko‘rsatuvchi omillar.....	381
Sattarova G.X. O‘zbekiston logistika bozorida yuk tashish xavflarini sug‘urta orqali kamaytirishning iqtisodiy samaradorligi.....	385
Муродхўжаева Ф.М. Маҳаллий саноатни шакллантиришда кластер ёндашуви ва 2030 йилгача трансформациянинг прогноз параметрлари (Наманган вилояти мисолида).....	389
Yoqubjonov R.R. Kichik biznes mahsulotlari raqobatbardoshligini oshirishda innovatsion yondashuvlar.....	396
Nasritdinov B.X. Risklarni integral baholash kichik biznesda moslashuvchan boshqaruv tizimi asbobi sifatida	400
Abdurazzoqov H.A. O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonining hozirgi holati va tendentsiyalari.....	406
Turgunov M.M., Soliyev I.I. Milliy innovatsion tizim samaradorligini oshirishning strategik yo‘nalishlari.....	411
Kuzimuratova D.M. O‘zbekiston Respublikasida tijorat banklarining investitsiya faoliyatini rivojlantirish va takomillashtirish.....	414
Soyibjonov I.S. Kichik biznes va tadbirkorlik subyektlarini yashil iqtisodiyot tamoyillari asosida rivojlantirish.....	419
Axmadjanov I.I. Shaharlar va shahar aglomeratsiyalari mintaqalar va mamlakatlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining drayveri.....	423
Odinayev G‘.J. Nogironligi bo‘lgan aholi qatlamini strategik sohalarda band qilish loyihalari.....	427
Abduvahobov V.B. Jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashishning global standartlari va O‘zbekiston tajribasi: kompleks tahlil.....	430
Қўзиева Н.Н. Билвосита солиқларнинг шаклланиши ва ривожланиб бориши.....	435

muvofiq ichki nazorat qoidalariga rioya etilishi ustidan monitoring va nazoratni amalga oshiruvchi organlar (jumladan, Markaziy bank) hamda tijorat banklari soha yuzasidan ehtimol tutilgan risklarni o‘rganishni, tahlil qilishni va aniqlashni o‘z faoliyatida amalga oshirishi, o‘rganish natijalarini hujjatlar bilan qayd etishi hamda aniqlangan risklarni kamaytirishga doir tegishli choralar ko‘rishi lozimligi belgilangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Egmont Group (2025) Annual Report on International FIU Cooperation. Toronto: Egmont Secretariat.
2. Europol (2024) Financial Crimes and Technology Trends in the EU. Hague: Europol Media.
3. FATF (2022) International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation. Paris: FATF/OECD.
4. UNODC (2023) Money Laundering and Globalization Statistics. Vienna: United Nations Office on Drugs and Crime.
5. Wolfsberg Group (2020) Wolfsberg Anti-Money Laundering Principles for Private Banking. Zurich: Wolfsberg Secretariat.
6. FATF (2022) Guidance on the Risk-Based Approach for the Banking Sector. Paris: FATF Publications.
7. Global Financial Integrity (2024) Trade-Based Money Laundering: A Global Threat. Washington D.C.
8. Индекс противодействия отмыванию денежных средств / Basel Anti-Money Laundering Index (Basel AML Index) Basel Institute on Governance: 2025
9. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy Banki (2025) Tijorat banklarida jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish hisoboti. Toshkent.

УДК: 336.22

БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ

ФОРМИРОВАНИЕ И РАЗВИТИЕ КОСВЕННЫХ НАЛОГОВ

FORMATION AND DEVELOPMENT OF INDIRECT TAXES

Қўзиева Нилуфар Норхидировна

Тошкент архитектура қурилиш университети
“Иқтисодиёт ва кўчмас мулк” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация

Мазкур мақолада билвосита солиқларнинг шаклланиши ва иқтисодчи олимларнинг қарашлари келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида билвосита солиқларнинг иқтисодиётдаги тутган ўрни хусусида фикрлар билдирилган ҳамда маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодиёт, солиқ, давлат, билвосита солиқлар, бевосита солиқлар

В статье рассматривается формирование косвенных налогов и взгляды экономистов. Также были высказаны мнения и предоставлена информация о роли косвенных налогов в экономике Республики Узбекистан.

Ключевые слова: экономика, налог, государство, косвенные налоги, прямые налоги

This article presents the formation of indirect taxes and the views of economists. It also presents opinions and data on the role of indirect taxes in the economy of the Republic of Uzbekistan.

Key words: economy, tax, state, indirect taxes, direct taxes

Солиқ тушунчаси иқтисодий категория сифатида давлатнинг пайдо бўлиши ва фаолиятининг давомийлиги билан бевосита боғлиқдир. Сиртдан қаралганда, солиқ категорияси бошқа иқтисодий категорияларга ўхшаса-да, у энг аввало давлатнинг иқтисодий сиёсати жараёнида иқтисодий воқелик кўринишида намоён бўлишини таъкидлашимиз лозим. Солиқ тушунчаси тор маънода давлат ихтиёрига солиқ тўловчилардан мажбурий тартибда ундириладиган пул тушумларини ифодалайди.

Ҳар қандай иқтисодий воқеликнинг моҳиятини тушуниб етиш, дастлаб унинг белгиларини аниқлаш орқали амалга оширилса, “солиқ” тушунчасининг моҳиятини аниқлашда унинг белгиларини аниқлаш билан бир қаторда уларнинг амал қилиш ҳолати жиҳатидан фарқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бундан шу маълум бўладики, солиқлар давлатчиликнинг юзага келиши билан узвий боғлиқ бўлиб, давлат ўзининг олдига қўйган иқтисодий функцияларни бажарар экан солиқларнинг белгилари, унинг амал қилиш ҳолати ва кўринишлари ўзгариб боради. Тарихий ривожланишнинг дастлабки йилларида йиғилган солиқ тушумлари асосан мамлакатни химояси учун сарфланган бўлиб, кейинчалик яъни XVI асрга келиб, солиқлар асосан, бевосита ва билвосита солиқ турларига бўлинди.

Одатда, солиқлар бюджетга йўналтирилиши, ундирилиш тартиби, ундирилиш объекти, иқтисодиётга таъсир этиш мезони ва тўлаш манбаи кўра гуруҳларга бўлинади. Бундай гуруҳланишда иқтисодиётга таъсир этиш мезони ва ундирилиш тартиби мураккаб жараён бўлиб, айниқса эгри солиқларнинг давлат бюджети пул тушумлари олдидаги улуши катталигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, эгри солиқларнинг шаклланиш жараёнини ҳамда ички моҳиятини тўлароқ очиқ беришга асос бўлади.

Бизга шу маълумки, иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини тадқиқ этиш билан бир қанча иқтисодий оқимлар намоёндалари таълимотларда солиқ муносабатларига оид мулоҳазалар етарлича бўлмаса-да, солиқларнинг ички хусусиятларини алоҳида тадқиқот уйғониш даврига бориб тақалади, аниқроғи классик сиёсий иқтисодчилар даврига бориб тақалади. Ушбу назарий оқимнинг намоёндаларидан бири У.Петти ўзининг “Солиқлар ва йиғимлар ҳақида трактат” асарида эгри солиқларга алоҳида урғу беради, яъни “...энг яхши ғоя истеъмолни солиққа тортишдир...”[1] деб таъкидлаганида гап эгри солиқ хусусида кетаётганлигини англашимиз қийин эмас. У.Петти биринчилардан бўлиб, ундирилаётган солиқларнинг мумкин қадар адолатли бўлиши ҳамда истеъмолни солиққа тортиш жараёни солиқ объектидан ундирилаётган солиқ миқдори бирлигида (суммаси ёки натура ҳажмида) давлат хазинасига бевосита келиб тушади, деган ғояни илгари сурганлигини кўришимиз мумкин.

Билвосита солиқларга оид илмий ёндашувларнинг кенгайиб боришида яна бир классик мактаб намоёндаларидан бири бўлган А.Смитнинг қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. А.Смитт бевосита ва билвосита солиқ объектларини бир вақтнинг ўзида тадқиқ этади ва тўғри солиқлар объекти бўлган рента, капиталдан келган даромад, ҳунармандчилик фойдаси, иш ҳақи муносабатлари билан бирга истеъмол предметларини солиққа тортиш жараёнларига алоҳида урғу беради.[2] А.Смитт ушбу мактабнинг “классик” деб ном олишига қўшган хиссаларидан бири бу даромад ва харажат турларини биргаликда ўрганганлигидир. Бунда у харажатларнинг таркибига кирадиган солиқларни алоҳида, тадбиркорлик фойдаси ва иш ҳақидан олинадиган солиқларни фарқлаб беради. А.Смитт бевосита ва билвосита солиқларни бир биридан фарқлаб беради, яъни билвосита солиқлар харажатларнинг таркибига кириши ва бевосита солиқлар эса иш ҳақи ва тадбиркорлик фойдаси таркибига киришини асослайди.

А.Смиттнинг фикрича, кундалик эҳтиёжлар учун зарур бўлган маҳсулотларга билвосита солиқларни алоҳида, заргарлик маҳсулотлари учун алоҳида солиқ ундириш кераклигини таъкидлайди. Чунки бу маҳсулотларга солиқ мутаносиб тарзида белгиланса, оқибатда ижтимоий зарур молларнинг нархини ошишига олиб келади. Шунинг билан бир қаторда А.Смитт эгри солиқларни ундиришда бож тўловларини нуфузини ошириш тарафдори бўлган. Унинг фикрича бож тўловлари барча харажатлар, яъни ҳарбий харажатлар ва бошқарув харажатларини қоплаши керак деган фикрини илгари сурган.

Бу оқимнинг яна бир намоёндаларидан бири бу Д.Рикордо бўлиб, у ва А.Смитт иқтисодийни ўрганишга илмий ёндашув берадиган тадқиқот усуллари ишлаб чиқди ва уларни муваффақиятли қўлладилар. Аммо Рикардода солиқларга нисбатан агрессив характерда қарашлар бўлиб, у солиқларнинг моҳиятига капитал жамғариш воситасида қараган ҳамда шу жумладан эгри солиқлар капитал қўшилмаларни камайтирмаслиги лозим ва солиқларни камроқ ундиришнинг энг кам солиқ ундириш деган ғоясига асосланади.[3]

Рикардодан фарқли равишда классик мактабнинг сўнгги намоёндаларидан бири бўлган Ж.Милль билвосита солиқларга алоҳида урғу бериб, алькоголли маҳсулотларга нисбатан кўпроқ солиқ ставкаси белгилаш кераклигини таъкидлайди ҳамда бож тўловларини ҳаддан ташқари ошириб юбормасликни, қолаверса четдан кириб келаётган импорт товарлардан бож ундириш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.[4]

Солиқ тизими барқарорлигини таъминлашда тўғри ва эгри солиқларга оид бўлган назарияларни ўрганиш, ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда республикамиз ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш, тўғри ва эгри солиқлар ўртасидаги мақбул нисбатни таъминлашга қаратилган солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Солиқлар иқтисодий моҳиятига кўра, тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига бевосита ёки билвосита боғлиқлигига кўра тўғри ва эгри солиқларга бўлинишига доир замонавий таҳлилларга мувофиқ, тўғри солиқлар тўғридан- тўғри даромадга ва мол-мулкка қаратилади.

Шунингдек, эгри солиқларга оид илмий изланишлар бир қанча рус тадқиқотчи олимлар томонидан ҳам ўрганилди. Жумладан М.Алексеев, Н.Тургенев, А.Соколов, А.Тривус каби иқтисодчи олимлар билвосита солиқларнинг хусусиятларини ўрганиб бориш асносида натижаларни эълон қилиб боришди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш жоизки, классик мактаб намоёндалари эгри солиқларни ва бошқа солиқларни зарарли эканлигини таъкидлаб, шунинг билан биргаликда давлатни сақлаб туриш харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи сифатида эътироф этганлигини кўришимиз мумкин. Айрим иқтисодчи олимлар солиқларнинг салбий жиҳатларини айтиб ўтиш билан бир қаторда уларни тўғри солиқлар билан биргаликда ундиришнинг механизминини шакллантириш лозимлиги хусусида фикр юритадилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳамда халқаро солиқ тизимида ҳам билвосита солиқларнинг қўшилган қиймат солиғи жорий этилган бўлиб, давлат бюджетини шаклланишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Шу ўринда қўшилган қиймат солиғининг хусуматларига алоҳида тўхталиш жоиздир.

Қўшилган қиймат солиғи- ҳар бир ишлаб чиқариш босқичида ва реализация жараёнида ундириладиган кўп қиррали билвосита солиқдир. ҚҚС ўзининг иқтисодий моҳиятига кўра сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати билан ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган товарлар, хом-ашёлар ва хизматларнинг қиймати ўртасидаги фарқдан иборатдир. Табиийки, ишлаб чиқариш жараёнида ва кейинчалик меҳнат тақсимоли натижасида маълум бир товар бозорга олиб чиқилгунга қадар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги бир нечта босқичлардан ўтади, бу босқичларнинг ҳар бирида қўшилган қиймат яратилади.

Қўшилган қиймат солиғини давлат бюджетининг даромад қисмига жалб қилиш ғояси дастлаб XX асрнинг бошларида юзага келди. Бу таклифни биринчи марта Германия бюджет амалиётида жорий этишни 1919 йилда Вилгелм фон Сименс илгари сурди. Қўшилган қиймат солиғини амалиётга жорий этиш ва ундириш механизми биринчи марта француз молиячиси М.Лоре томонидан ишлаб чиқилди. Аммо қўшилган қиймат солиғи М.Лоренинг таклифидан сўнг ўтган 10 йилдан ортиқ вақт мобайнида тажриба учун таклиф этилган шаклда қўлланилди. Францияда қўшилган қиймат солиғи ҳақиқатда 1968 йилдан бошлаб жорий этилди.

XX асрнинг 70-йилларида қўшилган қиймат солиғи Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларининг солиқ амалиётида жорий қилинди. Бунинг асосий сабаби ва ҳуқуқий асоси бўлиб, Европа иқтисодий ҳамжамияти томонидан ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда қўшилган қиймат солиғини ундиришни тартибга солишнинг ҳуқуқий меъёрларини умумлаштириш

тўғрисидаги махсус Директиванинг қабул қилиниши ҳисобланади. Мазкур Директива 1977 йилда қабул қилинди ва унда эгри солиқларнинг асосий тури сифатида қўшилган қиймат солиғи эътироф этилди.[5]

Шунингдек, профессор Т.Маликов “Эгри (билвосита) солиқлар хўжалик актлари ва оборотлари ҳамда молиявий операциялардан келиб тушади, эгри солиққа тортилиши лозим бўлган юридик ва жисмоний шахслар турлича шахслардир”, деб эгри солиқларнинг юзага келишининг уч омили – хўжалик актлари, оборотлари, молиявий операцияларни эътироф этади ва уларни тўловчиси ва истеъмол этувчисини фарқланишини ажратади. Шу билан бир қаторда бу иқтисодчи олим “эгри солиқлар” ва “эгри солиққа тортиш” тушунчаларини фарқини келтиради. Унинг таъкидлашича, “эгри солиққа тортиш” – даромадлар сарф қилинаётган пайтда тўланадиган солиқлар тизимини ўз ичига олиб, даромадлар билан эмас, балки харажатлар билан боғлиқдир. Эгри солиққа тортишда товарни ишлаб чиқарувчи ёки хизматни кўрсатувчи уларни таркибида устама (қўшимча) бўлган баҳода (тарифда) сотади ва тушумдан маълум бир солиқ суммасини давлат хазинасига ўтказиши.[6]

Ўзбекистон солиқ тизимида қўшилган қиймат солиғи 1992 йилдан буён амал қилмоқда. Ҳозирги кунгача бу ставка бир неча марта ўзгартирилди. Масалан, 1996 йилда 17 фоизни, 1997 йилда 18 фоизни, 1999 йилда республикада қўшилган қиймат солиғининг 3 хил ставкаси (20%, 15%, ва 0%) амалда қўлланилди. Фақат 3 та банд, яъни экспорт, қишлоқ хўжалиғи эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик корхоналарига бериладиган минерал ўғит ва ёқилғи мойлаш материаллари ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва унга тенглаштирилган ваколотхоналарга реализация қилинадиган товар (иш ва хизмат)лар “0” ставкаси бўйича солиққа тортилди. 15% ли қўшилган қиймат солиғи ставкаси эса ун, нон, гўшт, сут ва сут маҳсулотлари ҳамда импорт қилинадиган тирик мол ва бўғдой каби маҳсулотларга нисбатан белгиланди. 2000-2019 йилга қадар солиқ Кодексига кўра республикада 20 фоизли ва “0” фоизли ставка қўлланилиб келинди. 2019 йилга келиб эса бу солиқ ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга камайтирилди.

2023 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиқ ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга камайтирилиши юридик шахслар учун имкониятлар эшигини очиб берди.

Куйида қўшилган қиймат солиғи ставкасининг камайтирилгандан кейинги дастлабки натижаларни кўриб чиқишни жоиз деб бўлдик.

ҚҚС ставкасининг 15 дан 12 фоизга пасайтирилиши кутилганидек бюджет тушумлари билан биргаликда ҚҚС “манфий қолдиқ” суммасининг бюджетдан қоплаб бериладиган қисмига ҳам таъсир кўрсатди. 2023 йил февраль ойида ҚҚС жами тушумлари 5,8 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,6% га ошди. Солиқ органлари томонидан 2023 йилнинг февраль ойида 2,8 трлн сўм миқдордаги ҚҚС тушумлари тушиши таъминланиб (2022 йил февраль ойига нисбатан 10%га кўп), 2023 йил январь ойига нисбатан пасайиш 550 млрд сўм ёки 16 % ташкил этди.

Божхона органлари томонидан жорий йилнинг февраль ойида 3 трлн сўм ёки 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 3,7%га кўпроқ ундирилди. ҚҚС ставкасининг пасайтирилиши ҳисобига жорий йил январь ойи тушуми 3,1 трлн сўмни ташкил этди. Таъкидлаш жоизки, 2022 йил ноябрь ойида тушумлар 3,4 трлн сўмни ташкил қилган, жорий йил февраль ойида эса тушумлар 12% га камайган.[7]

Билвосита солиқларнинг турларидан яна бир тури бу акциз солиғи бўлиб, бу солиқ тури қўшилган қиймат солиғидан фарқли равишда у айрим товарлар ва маҳсулотларни чегаралаб олган ва у бажарилган иш, кўрсатилган хизматларга нисбатан қўлланилмайди. Акциз солиғи индивидуал характерга эга бўлиб, фақат акциз ости товарларига нисбатан қўлланилади. Шунингдек, Ўзбекистонда 2025 йилдан бошлаб Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар кучга кирди ҳамда асосий солиқ ставкалари сақланиб қолинди, бироқ бир қатор маҳсулотлар учун акциз солиғи ва қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўзгарди ва айрим солиқ имтиёзлари бекор қилинди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 24 декабрь куни 2025–2027 йилларга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги қонуни имзолади.[8] Унга

кўра, Президент қарори билан ҚҚС ва даромад солиғи ставкалари 2028 йилгача ўзгармасдан қолиши белгиланди ва акциз солиғига эса бир қатор ўзгаришлар киритилди. Жумладан, 2025 йил 1 январдан филтрли сигареталар учун 10 фоизли адвалор акциз солиғи бекор қилинди ва тамаки маҳсулотларига акциз солиғи оширилди. Билвосита солиқлар 2024 йил учун бюджет даромадларининг 41 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган.[9]

Юқори фоиз ставкаси солиқларнинг иқтисодиёт учун зарарли оқибатларга олиб келиши кўп бора иқтисодчи олимлар томонидан таъкидлаб келинган. Буни яққол далили сифатида билвосита солиққа жуда боғлиқ бўлган мамлакат иқтисодиётида кузатилаётган қашшоқлик даражасининг юқорилиги ва тенгсизликнинг кучайганлигига гувоҳи бўламиз.[10] Бундан кўриниб турибдики, билвосита солиқ ставкаларининг кўтарилиши солиқ юки камбағаллик даражасини ошишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизда охирги йилларда солиқ юкини камайганлиги тадбиркорлик субъектларига қулай солиқ муҳитини яратиш билан бир қаторда солиқ маъмурчилигини рақамлаштириш орқали такомиллаштириш эса адолатли солиқ тизимини ташкил этилганлигидан далолатдир. Бу эса ўз навбатида олиб борилган солиқ ислохотлари ўзининг ижобий самарасини бераётганидан далолатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 24.12.2024 йилдаги ЎРҚ -1014 – сонли қарори
2. Петти.У Трактат о налогах сборах//Антология экономический классики.Предисловие Столярова И.А –М.: Мл.Эконом “Ключ”, 1995.
3. Смитт А. Исследование о природе и причинах богатства народов,- М.: Эксмо, 2007.
4. Рикардо Д. Начала политической экономики и налогового обложения Избранное –М.: Антология экономической мысли, 2007
5. Милль Дж.С. Основы политической экономии Том 3. –М.: Прогресс 1981.
6. Ваҳобов А.В, Жўраев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. –Т.: Шарқ, 2009.
7. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.- Т.: Академия, 2002.
8. www.imv.uz. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг расмий сайти маълумотлиларидан фойдаланилди.